

## ЯХШИЛИК ҚИЛИШДАН ЧАРЧАМАЙЛИК!

Азал-азалдан бағрикенг, сақоватпеша, үзгалар оғирини енгил қилишни ўзимизнинг инсоний бурчимиз деб биладиган халқымиз. Йиллар давомида ушбу савобталаб юмушлар қадрият бўлиб келган. Бу анъана бугунги синовли кунларда янада мухим аҳамият касб этмоқда. Синовли кунларда яхшилик ва эзгу амаллар янада кўпайиб, тадбиркорлар, сақоватли инсонлар ҳайрли ташаббуслар билан чиқмоқдалар. Бугун Қўштепа тумани ҳокими И. Новиков ва тумандаги сақоватли инсонлар яна бир ҳайрли ишга қўл урдилар.

Ҳозирги кунда коронавирус пандемияси дунё халқларини ташвишга солиб турган энг катта муаммо, десак муболаға бўлмайди. Қийинчилик, мусибат даври бизни янада жипслаша олишимизни кўрсатди. Халқимиз бу ҳам бир синов эканини яхши билади. Биз бундан тўғри сабоқ чиқариб, Аллоҳ таолонинг бизга берган саноқсиз неъматларини қадрлашимиз, шукр қилишимиз, қўлимида борини яқинларимизга, айниқса, муҳтожларга ҳам улашишимиз зарурлигини англаб этмоқдамиз.

Бугун туман ҳокими И. Новиковнинг ташаббуси билан тумандаги сақоватли инсонлар кўмагида ташкил этилган сақоват карвонлари мавжуд 51 та маҳалла фуқаролар йиғинлари бўйлаб йўлга чиқиб, 549 та кам таъминланган ва эҳтиёжманд оиласаларга меҳр-муруват улашди.

Сақоватпеша ҳомийларимизнинг икромлари кириб борган ҳар бир хонадон эгалари ҳам ушбу эзгуликка ўз вақтида жавоб қайтаришиб, дуога қўл очдилар. Ушбу ҳайрли ишларни бошида турганларга миннатдорчилик билдиришиб, ғамсиз-дардсиз осуда ҳаётимизга тезроқ қайтишимизни Аллоҳдан сўрадилар.

Маълумот учун: бугун Қўштепа туманидаги кам таъминланган, эҳтиёжманд 549 та хонадонга 16,1 тонна ун, 1,8 тонна ўсимлик ёғи, 5,5 тонна сабзи, 40 қути тухум, 250 килограмм картошка, 250 килограмм пиёз, 180 килограмм макарон ва 280 килограмм гуруч озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

Қўштепа тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-04-03 16:08:47